

ЧЕТ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ЎЙИНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Шамуратова Гулистон
ЎзМУ ўқитувчи.

Хозирги пайтда чет тилларни ўрганиш ва ўргатишга юртимизда катта аҳамият берилмоқда. Бу ҳам, албатта, бежиз эмас. Бугун жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносаб ўрин эгаллашга интилаётган мамлакатимиз учун, чет эллик шерикларимиз билан ҳамжиҳатликда, ҳамкорликда ўз буюк келажагини қураётган халқимиз учун чет тилларни мукаммал билишнинг аҳамиятини баҳолашнинг ҳожати йўқдир. Чет тилларни мукаммал ўрганиш учун аввало мақсад аниқ бўлиши ва уни ўрганишга кучли ҳоҳиш, қизиқиши бўлиши керак. Тил ўрганишга бўлган қизиқиши оширишда ўқитувчининг чет тили дарсини методик жиҳатдан тўғри ва дидактикага бой ташкиллаштириши мухим аҳамият касб этади. Ўқитувчи бир неча янгича таълим усулларини яхши билиши керак ва албатта, янги педагогик технология усулларидан фойдаланган ҳолда дарсни ташкил этиши керак бўлади. Сўнгги йилларда чет тили машғулотларида интерфаол ўйинларни, ролли ўйинларни тадбиқ этиш ўзининг табиийлиги, стресслардан ҳоли эканлиги билан анча ижобий самара бермоқда. Ўқитувчининг талаба билан самарали натижаларга эришишга кўмаклашувчи, ўргатувчи ўзаро таъсирларининг турлича усуллари мавжуд. Улардан бири чет тилларига ўқитишнинг ўйин усули ҳисобланади.

Маълумки, ўйин – талабаларнинг билимини мустаҳкамлашда ва уларнинг сўзлашув нутқини фаоллаштиришда етарли натижа берувчи воситадир.

Шунингдек, чет тили дарсларида ўрганилаётган мавзу мазмунига мослаб ташкил этиладиган ўйинлар талабаларни мустақил фикрлашга ундидаи, тил ўрганишга қизиқишини ўйғотади. Ўқишига қизиқиши эса билимларни пухта ўзлаштириш гаровидир.

Гурухлараро ўйинлар талабаларнинг ижодкорлик қобилиятини ўстиради, натижада чет тилидаги сўз бойлигининг ҳажми ортиб боради. Демак, ҳар қандай ўйинга тайёргарлик даврида унинг мақсадини аниқ белгилаш зарур. Ўйин қатнашчиларини унинг қоидаси билан тўлиқ таништириш лозим. Ўйин қоидаларини оғзаки тушунтириш билан чегараланмай, аниқ кўрсатмалар бериш, тарқатма материаллар тарқатиш ҳам фойдали. Ўйинни ташкил этишда мухим масалалардан бири – ўйновчиларни гурухларга бириктиришдир.

Ўйинни тизимли ўрганишга уринишни биринчи бўлиб, XIX асрнинг охирида немис олими К.Гросс амалга оширди. У ўйинда келажакда яшаш учун кураш шароитларига нисбатан инстинктларнинг огоҳлантириши бўлиб ўтади, деб ҳисоблаган.

Ўйин усулидан фойдаланишнинг ўқитиш имкониятлари анчадан бери яхши маълум. Чет тилларни ўқитиш услубияти билан шуғулланувчи кўпгина олимлар ўйин усулидан фойдаланишнинг самаралилигига ҳақли равишда эътиборни қаратдилар.

Ўқитишнинг ўйин шаклларидан фойдаланиш ўқув-тарбия жараёнини янада мазмунлироқ ва сифатлироқ қиласи, чунки:

- ўйин ҳар бир талабани алоҳида ва барча талабаларни биргаликда фаол ўрганиш фаолиятига жалб қиласи



• мусобақалашиш - ўйиннинг ажралмас қисми талабалар учун жозибалидир, ўйиндан олинган ҳузурланиш чет тили дарсларида қулай шароит яратади ва фанни ўрганишга бўлган истакни кучайтиради;

Дарсда машғулотнинг ўйин шакли талабаларни кузатиш, рағбатлантириш воситаси сифатида қатнашувчи ўйин усуллари ва ҳолатлари ёрдамида яратилади.

Ўйин талабадаги мотивацион эҳтиёжларни ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга бўлиб, талабаларни мустақил фикрлашга, ўз фикрини исботлашда аниқ, ишонарли далиллар билан зарур билимларни ўзлари қидириб топишга, баҳс – суҳбатда фаол иштирок этишга, сўзловчининг фикрини тинглай олишга, сухбатдошига нисбатан ҳурмат сақлашга ўргатади. У ёки бу ролни ижро этган ҳолда талаба тилдаги хатоликлардан қўрқишина бас кила бошлайди ва бу унга ҳолатга мослашиш, ишончли тарзда ҳаракат қилишига ёрдам беради. Хулоса сифатида шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ўқитишининг турли босқичларида ўйинлардан фойдаланиш нафақат таълим жараёнининг самарадорлигини оширишга ёрдам беради, балки талабанинг руҳий ривожланишнинг янги, янада баландрок босқичига ўтишида маълум ролни ҳам бажаради. Бундай ўйинларнинг мақсади дарс жараёнини бир хиллиқдан узоқлаштиришдир. Бунинг учун педагоглар таълимда турли ўйин усулларини қўллашида уларнинг педагогик-психологик моҳиятини чуқуррок англаши мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар:

1. Абдурахманов Ф.И., Рахимова И.И. Психологическая характеристика компьютерной игры, как вида игровой деятельности. Сборник материалов научно-практической конференции УзГУМЯ. Ташкент, 2014.
2. Акишина А.А. Игры на уроках русского языка. –М.: Русский язык, 1990.
3. Grätz Ronald: Vom Spielen, Leben, Lernen. In: Fremdsprache Deutsch: Spielen – Denken –Handeln, Heft 25.2001.
4. Djafarova, Dildora, Yaxshiboyeva Nodira, and Abdullayeva Zulfiya. "Socio-Cultural Memory and Its Reflection in French Phraseology." *Journal of Positive School Psychology* (2022): 2883-2889.
5. Yaxshiboyeva, Nodira. "Reconstruction of coloristic expressions in erkin azam's" noise" and" pakana's love"." *Конференции*. 2021.
6. Ilhomovna, Djafarova Dildora, and Bobokalonov Odilshoh Ostonovich. "Interaction of Language Games in the Articulation of "Historical Memory" Within French and Uzbek Phraseology." *American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education* (2993-2769) 2.1 (2024): 348-354.
7. Ilhomovna, Djafarova Dildora, Bobokalonov Odilshoh Ostonovich, and J. A. Yakubov. "Archaic Phraseological Units as Windows into "Historical Memory" in French and Uzbek Linguistic Traditions." *American Journal of Public Diplomacy and International Studies* (2993-2157) 2.1 (2024): 163-169.
8. Ilhomovna, Djafarova Dildora, Bobokalonov Odilshoh Ostonovich, and Yaxshiboyeva Nodira Ergashovna. "Contemporary Usage of Archaic Phraseological Units Expressing "Historical Memory" In Uzbek and French Languages." *American Journal of Language, Literacy and Learning in STEM Education* (2993-2769) 2.2 (2024): 371-377.

9. Ilhomovna, Djafarova Dildora. "Phraseological Units Expressing" Memory"/" Mémoire" in Linguistics and their Analysis through Texts." Best Journal of Innovation in Science, Research and Development 2.11 (2023): 490-492.
10. Яхшибоева, Нодира. "Таржима жараёнида маданиятларо мулоқотнинг социолингвистик хусусиятлари." Академические исследования в современной науке 2.17 (2023): 165-169.
11. Иногамова, Ф. М., and Н. Э. Яхшибоева. "Фразеологик маънонинг конвенциаллиги." Academic research in educational sciences 3.5 (2022): 1176-1182.
12. Яхшибоева, Н. (2023). Туристический дискурс как один из особых видов институционального дискурса. International Bulletin of Applied Science and Technology, 3(6), 879-884.
13. Яхшибоева, Нодира. "The role of tourism terminology in french." O'ZBEKISTON MILLIY UNIVERSITETI XABARLARI, 2023,[1/4] (2023).